O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
KARMANA TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
КАРМАНИНСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Karmana t. "Taiqoq" MFY — Карманинский р. МСГ "Талқоқ"

"28" февраль 2018 y (г). № Х-260

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сонли "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2012 йил, 50-сон, 559-модда, 2016 й., 17-сон, 176-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами 2452, 25.04.2013 йил, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага мувофиқ, техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Давтехназорат" инспекциясининг қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича туман давлат инспектори (Б.Жалолов)га :

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахслар (мулкдор)га техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юбориш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этмаган техникалар юзасидан ёзма кўрсатма бериш;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган тақдирда ҳамда қишлоқ хўжалиги мелиоратив техника, асбоб-ускуналардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш учун туман ҳокимлигига юбориш;

техник кўрикдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 345-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгиланган миқдорларга қатъий риоя қилиш топширилсин.

3. Мазкур қарор "Кармана овози" газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кунидан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Ф.Умаров**

Туман хокимининг 2018 йил
“28” февралдаги 08-960-сонли
қарорига 1-илова

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш учун режаси

№	Техника номи	Техника русуми	Техник кўрикдан ўтказиш муддати	Техник кўрик ўтказиш манзили	Техник кўрикдан ўтказиш санаси
1	Ғалла ўриш комбайни	Кейс 2166	09:00 дан 17:00 гача	Туман Ахротехсервис МТП МЧЖ ва ММТП Кармана трактор саройлари	01.03.2017 03.03.2017
2	Ғалла ўриш комбайни	Доминатор 130	09:00 дан 17:00 гача		04.03.2017 07.03.2017
3	Чопиқ трактори	МТЗ-80, ТТЗ-8011 Т28Х4М	09:00 дан 17:00 гача		08.03.2017 10.03.2017
4	Транспорт трактори	МТЗ-82, ТТЗ-8010 Т-40 Т28Х4МС	09:00 дан 17:00 гача		11.03.2017 13.03.2017
5	Культиватор	КХУ-4	09:00 дан 17:00 гача		14.03.2017 16.03.2017
6	Чигит экиш сеялкаси	СЧХ-4 Б	09:00 дан 17:00 гача		17.03.2017 19.03.2017
7	Ҳайдов трактори	ВТ-150, МХ-140-135, Арион-630, Пума-210-255 Т-60/70	09:00 дан 17:00 гача		20.03.2017 22.03.2017
8	Бульдозер	Т4 Т-130	09:00 дан 17:00 гача		23.03.2017 25.03.2017
9	Эксковатор	Robex-1400 ЮМЗ-61300 ЮО3211	09:00 дан 17:00 гача		26.03.2017 28.03.2017
10	Трактор тиркамаси	2 ПТС4 793А	09:00 дан 17:00 гача		29.03.2017 31.03.2017
11	Пуркагич аппарати	ОВХ -600 ОРПД-12М	09:00 дан 17:00 гача		01.04.2017 03.04.2017
12	Тишли борона	БЗС-10	09:00 дан 17:00 гача		04.04.2017 06.04.2017
13	Ер текислагич	КПН ПН-4	09:00 дан 17:00 гача		07.04.2017 09.04.2017
14	Омоч (плуг)	ПЯ-3,35 4,35	09:00 дан 17:00 гача		10.04.2017 12.04.2017
15	Ўт ўргич	Кир-1,5	09:00 дан 17:00 гача		13.04.2017 15.04.2017
16	Чизел	ЧКУ-4	09:00 дан 17:00 гача		16.04.2017 18.04.2017
17	Пушта олгич	КЗУ-03	09:00 дан 17:00 гача		19.04.2017 21.04.2017
18	Минерал ўғит сепгич	НРУ-05	09:00 дан 17:00 гача		22.04.2017 24.04.2017

Туман хокимининг
2018 йил "28" февралдаги
К-960-сонли қарорига
2-илова

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси

ТАРКИБИ

Т/р	Ф.И.О	-	Лавозими
1.	Б.Жалолов	-	"Давтехназорат" инспекциясининг қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича туман давлат инспектори, комиссия раиси
Аъзолари :			
2.	Т.Шукуруллаев	-	туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи
3.	Ф.Файзиев	-	туман "Агросервис МТП" МЧЖ раҳбари
4.	А.Ражабов	-	Туман Фермерлар кенгаши раиси